ЧЎЛПОН

## УЛУҒ ЙЎЛДА

Йўлимизда чўллар, сувлар, денгизлар,
Бош учини таниб бўлмаслик излар.
Шу изларни босиб, денгизлар кечиб,
Буюк амал билан борамиз бизлар.

Юракдаги сақлаб борган амаллар
Йўллардаги денгизлардан улуғроқ.
Эзилганлар тилак тилар бу йўли
Бурунгидан тўлуқроқ.

Маҳкам қилиб боғланилган камарлар,
— Тезрак!
— Қанот!
Қушлар янглиғ учайлик.
Кенг чўллардан, денгизлардан кечайлик,
Шарқнинг эски чигалини ечайлик!

**1920 йил**

# КУН ҲАМ ШАРҚДАН, ОЙ ҲАМ ШАРҚДАН ЧИҚАДИР

*Маънавият, маърифат, умумбашарий ва миллий қадриятлар*

*Улуғ аждодларимиз*

### ЖАҲОНГИР ТАЪРИФИ

Амир Темур ҳатто Македонский ва Цезардан ҳам устунроқ бўлган. Натижада жаҳонгирлик ва фатҳу зафарда Темур улардан ўзиб кетган.

**Ду СЕНКСЙОН,**
**Француз муаррихи**

### АМИР ТЕМУР ДЕЙДИКИ:

Қувваи ҳафизаси кучли инсон ҳар қандай мушкулу мушкулодни осон қилиш йўлини топа олади.

***

Имонли одам хиёнат қилмайди, қариндош-уруғлари, элу халқнинг ор-номусини ҳимоя қилади, ҳалоллик ва покликни фазилат деб билади.

***

Адлу эҳсон билан жаҳон гулшани обод бўлади.

***

Шижоатли кишиларни дўст тут, чунки, Тангри таоло жасур кишиларни ардоқлайди.

***

Яхши одам юрт тузар, ёмон одам юрт бузар.

### АЛГЕБРАНИНГ ОТАСИ

"Ал-жабр ва ал-муқобалани ҳисоблаш ҳақида қисқа китоб"ида... ал-Хоразмий дунёда илк бор алгебрани фан сифатида шакллантирди ва математиканинг шу соҳасининг ривожланишига асос солди. Ундаги "ал-жабр" сўзидан бутун дунё фанида ишлатиладиган алгебра атамаси келиб чиққан. XII асрда бу рисола Европада икки марта лотин тилига таржима қилинган...

Ал-Хоразмийнинг "Ҳинд ҳисоби ҳақида" арифметик рисоласи ҳам дунё фани тараққиётида катта ўрин эгаллаган... Бу рисолада ал-Хоразмий исми лотин талаффузида Algorizmi деб берилган. Бу исм кейинчалик ҳозирги замон ҳисоблаш фанида кенг тарқалган "алгоритм" атамасига айланган...

*Нуқтаи назар*

# ЖАҲОННИ МАҲЛИЁ ЭТАЁТГАН ДИЁР

Ўзбекистон Давлат мадҳиясида: "Улуғ халқ қудрати жўш урган замон, Оламни маҳлиё айлаган диёр!"деган фалсафий сатрлар бор. Ҳақиқатан ҳам халқимиз қадим-қадимдан ўзининг жасоратини намоён этиб, ҳар хил босқинчиларга мардона курашган, буюк маданият яратган, қудратли давлат тузган. Амир Темур саройидаги испан элчиси Р. Г. Клавиха ўзининг кундаликларида: "Бу халқ билан шоҳ (Темур) кўплаб улуғвор жасоратлар кўрсатди, кўплаб ғалабалар қозонди...", — деб ёзади.

Бугун мана шу халқ олдида буюк давлат яратиш мақсади қўйилган. Буюк давлат яратиш учун юртбошимиз Ислом Каримовнинг беш тамойилларидан бири бўлмиш қонуннинг ҳамма нарсадан устивор бўлиб, бунга ҳамма итоат этгандагина эришиш мумкин. Рус адибларидан бири: "Россиянинг фожиаси қонунларни йўклигида эмас, балки қонунларни бажарилмаслигида" деган. Буюк файласуф Афлотун: "Халқ қонунларга эҳтиёж сезиши ва уларни чуқур ўрганиши зарур, чунки улар кейинчалик халқнинг ўзига фойда келтиради", деб ёзади. Афлотуннинг фикрига кўра, қонунларни билмаган ва уларга бўйсунмаганлар қонунларни бемаъни дейишни хоҳлайди. Афлотун қонунларни ҳар қандай оқилликдан бениҳоя устун туришини тушунтиради. Мен кимларгадир кичик, аммо моҳият жиҳатидан катта бўлган айрим қонунлар бажарилмаётганлигини айтиб ўтмоқчиман. Давлатимизнинг Асосий Қонуни ҳисобланмиш Конституцияда маъмурий бўлинишлар "вилоят", "туман" деб кўрсатилганига қарамай, ҳамон "ноҳия", "район", "область" деб айтилишини нима деб баҳоламоқ керак?

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши 1991 йил 18 ноябрда "Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида" қонун қабул қилди. Бу қонунга биноан Давлат байроғи доимий суратда Президент Маҳкамаси, Олий Кенгаш, ҳукумат, маҳаллий ҳокимиятлар, Ўзбекистоннинг доимий ваколатхоналари биносида кўтарилиши керак. Аммо шундай ҳоллар ҳам бўлаяптики, байрам муносабати билан кўтарилган байроқлар айрим жойларда қишин-ёзин қолиб кетмоқда. Натижада байроқ оқариб, ўзининг жозибасини йўқотмоқда. Балки байроғимиз илинган бино раҳбари ўзича байроқни ҳурмат қилаяпман деб, ўз садоқатини намоён қилмоқчи бўлаётган бўлса, қаттиқ янглишади. Бундай ҳоллар телевидениеда ҳам (ўзлари билмаган ҳолда) кўрсатилмоқда, яъни озиқ-овқат дўконлари, пахта тозалаш заводлари ва бошқа корхоналар дарвозалари тепасига осилган байроқларнинг олдида суҳбат уюштиришади. Байроқ тўғрисидаги қонуннинг 13-моддасида "байроқни беҳурмат қилганлар қонунларда белгиланган тартибда жазоланадилар", дейилган. Бундан 2-3 йил аввал АҚШ давлат байроғини ёққан шахс судланганлиги тўғрисида газетада ўқиган эдим. Бизда ҳам шундай қонун бор экан, демак, шу қонун бажарилаётганлиги тўғрисида матбуотда тез-тез маълумот берилса яхши бўларди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг миллий, истиқлол мафкураси яратилмоқда. Мафкура деганда ўз қадрини англашни тушунаман. Ўз қадрини англаш эса Ватанни севишдан бошланади. Ватанни севиш деганда — унинг тимсоли бўлмиш Байроқ, Мадҳия, Герб ва Президентни ҳурматлаш тушунилади. Миллий мустақиллигимизнинг яна бир белгиси ўз пулимиздир. Ҳозир айрим бойваччалар тўйларда пулларни сочиши кишини ўйлантиради. Тўғри, қадимда тўйболалар устидан танга пуллар сочилган, аммо йирик пуллар эмас. У вақтларда "қистир-қистир" бўлмаган.

Айримлар Ватанни ҳимоя қилиш деганда қўлда автомат билан чегарада туришни тушунади. Аммо Ватанни қасам ичмасдан туриб ҳам севиш мумкин, бунинг учун маънавий соғлом бўлишимиз керак. Четдан келаётган ҳар хил иғвогарона, сафсатабозларга муносиб жавоб қайтармоқ лозим. Юртбошимиз Ислом Каримов моддий қийинчиликлардан чиқиш мумкин, аммо маънавий инқироздан чиқиш қийин, деганларида минг марта ҳақ эдилар. Таниқли шоир Жамол Камолнинг 70-йилларда ёзган бир шеъридан бир парчани такрорлашни яхши кўраман:

**Душман қаҳримизга бериб тасалло,**
**Бир кун емирилар бизнинг қиличдан.**
**Ношудлик — офатдир, ношудлик — бало,**
**У очкўз қурт каби емирар ичдан.**

Ҳақиқатан ҳам, "СССР деб аталган — душман" емирилди, аммо у қолдириб кетган ношудлик оз бўлса ҳам учраб турибди. Бизнинг асосий вазифаларимиздан бири мана шу ношудликни йўқотишдан иборат бўлмоғи керак. Ўзбекистон кўппартиявийлик сари қадам ташламоқда, ҳар хил сиёсий партиялар ташкил топаётгани қувонарли ҳолдир.

Республикамиз бозор муносабатларига ўтиш даврининг иккинчи босқичига қадам қўйди. Давлатимизда катта-катта ўзгаришлар содир бўлмоқда. Ёшлар ҳаётида ҳам ўзгаришлар бўлаётир, яқиндагина ўтган Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқининг XXY қурултойи навқирон авлод ҳаётида туб бурилиш ясади, десам янглишмаган бўламан. Қурултой юртбошимизнинг "Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак!" деган сўзларини шиор қилиб олди, энди бошланғич ташкилотлар ўз ишларини шу шиорга мослаб олиб борсалар яхши бўларди. Эл деб, юрт деб яшаш ватанпарварлик дейилади. Шу ўринда ҳозир матбуотда гоҳ-гоҳда билдирилаётган, фалон корхонада чет эл аппаратуралари ўрнатилди. фалон жойда фақат чет эл маҳсулотлари билан савдо қилинади деган гапларга муносабатимни билдирмоқчиман. Япония иккинчи жаҳон урушидан тўла мағлуб бўлиб чиқди, шунда халқ олдида битта вазифа турарди: у ҳам бўлса, ўз маҳсулотлари билан четга чиқиш. Улар жуда тезлик билан жаҳон бозорига чиқдилар, чунки, ватанпарварлик биринчи ўринда эди улар учун.

Биз ҳам улардан устун турсақ турамизки, асло кам эмасмиз. Шу сабабли ўзимиз сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариб, жаҳонга чиқишимиз ҳамда ўз маҳсулотларимиздан ўзимиз фойдаланиб Ўзбекистон маҳсулоти тамғаси туширилган маҳсулотлардан фахрланишимиз керак.

**Шарофиддин БАКИР ўғли ТЎЛАГАНОВ,**
**2-Тошкент Давлат тиббиёт институти Ўзбекистон тарихи кафедраси ўқитувчиси.**



*Улуғ аждодларимиз*

### ЮРТ АЗИЗ БИЛГАН....

"Ҳақиқат йўлида ҳеч қандай жазодан, қийноқдан қўрқмайман. Агар отмоқчи бўлсалар, кўкрагимни кериб тураман", деган эди Абдулла Қодирий ўлимга ҳукм этилишидан аввал. Ўшанда у орадан йиллар ўтиб, истиқлол қанот ёзишини, миллати эрки йўлида жонфидолиги учун озод Ватанининг биринчи "Мустақиллик" нишонига ноил бўлишини хаёлига келтирганмикан? Хаёлига келтирганмикан у — халқи ва раҳбарият ўзининг оқибатлигига муносиб оқибат кўрсатишини — Навоий мукофоти билан сийлашини?!

Бугун юзлаб мактаблар, кўчалар, хиёбонлар Қодирий номида ва унинг боғида ҳам адиб таваллудининг юз йиллиги муносабати билан ободонлаштириш жадал кетаётир. Ҳадемай бу гўшада Қодирийнинг ҳайбатли ҳайкали қад ростлайди (муаллифи — ҳайкалтарош Равшан Миртожиев).

*Қадриятларимиз*

# ДАВЛАТ ТИЛИ ВА МИЛЛИЙ МУСТАҚИЛЛИК

*БИРИНЧИ МАҚОЛА*

**Низомиддин МАҲМУДОВ,**
**филология фанлари доктори, профессор.**



Ўзбек тили туркий тилларнинг энг йирикларидан бири сифатида ер юзидаги қадимги тиллардан ҳисобланади. Бу тилнинг ёзма анъаналари ҳам бениҳоя бой бўлиб, бир неча юз йилликлар билан ўлчанади. Ўзбек тилининг ёзма адабий тил сифатидаги асослари ғазал мулкининг султони, улкан мутафаккир Алишер Навоий томонидан XV асрдаёқ яратилган эди. Бу тилда битилган беҳисоб ва беқиёс бадиият дурдоналари бугун жаҳон сўз санъати хазинасида ўзининг муҳташам ва мунтазам ўрнига эга.

Ўзбек тили ўзининг узоқ ва мураккаб тарихий тараққиёти давомида бир қатор бошқа тиллар билан алоқада, муносабатда бўлди, улардан таъсирланди ва уларга таъсир этди. Айниқса, араб ва форс тилларининг ўзбек тилига таъсири бу жараёнда сезиларли из қолдирди. Буни бугунги ўзбек тилининг луғат бойлигида аниқ ва яққол кўриш мумкин: "фан", "маданият", "санъат" "илм", "китоб", "мактаб", "дарс", "қалам", "дафтар" каби минглаб арабча-форсча сўзлар борки, уларни бугун мутахассис бўлмаган ҳар бир ўзбек ўз сўзи каби тасаввур қилади. Аммо таассуф билан айтиш кераккки, ўзбек тили сўнгги тарихда, яъни XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, айниқса XX асрнинг 20-йилларидан буёғига то 80-йилларнинг охирига қадар, Ўзбекистон ўзининг мустақиллигини эълон қилгунгача бўлган даврда рус тилининг қаттиқ таъсири остида қолди. Бунинг натижасида ўзбек тилида "русча-интернационал сўзлар" деган улкан бир сўзлар қатлами юзага келди, бу қатламдаги сўзларнинг чет с з эканлиги ҳар бир кишига маълум эди. Қадим ўзбек тили бадиий адабиёт тили сифатида Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Мақсуд Шайхзода, Ҳамид Олимжон, Миртемир, Саид Аҳмад, Шукурулло, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Шукур Холмирзаев, Ўткир Ҳошимов каби адиблар асарлари тимсолида имкон қадар ривож топиб борган бўлса-да, кундалик ҳаётда у уй-рўзғор тилига айланиб қолган эди. "Совет даври" деб аталган яқин тарихда ўзбек тилининг қонуний ҳуқуқлари поймол этилди, у ҳар жиҳатдан камситилди, ўзбек тили ва ўзбек халқининг ягона ватани бўлмиш Ўзбекистонда расмий ишлар ўзбек тилида эмас, балки рус тилида олиб борилди. Бу, албатта, ўрислаштиришдан иборат яхлит совет империячилик сиёсатининг бир йўналиши бўлмиш "қизил" тил сиёсатининг мақсади билан боғлиқ натижалардир.

Аслида ўзбек тилига рус тилининг таъсири анча илгари бошланган. 1865 йилдан руслар Туркистонни истило қила бошлаши биланоқ чор ҳокимияти тартиботи билан бирга тил босқини ҳам секин-аста бошланган. Ўша даврларда яшаб ижод этган йирик ўзбек маърифатпарвар шоири Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқат асарларидаги "гимназий", "рояль", "виставка", "телеграф" каби русча ёки русча шаклдаги сўзларни эслашнинг ўзи кифоя. Туркистондаги чор амалдорларининг ерли халқларга ва уларнинг тилларига нечоғлик паст назар билан қараганликлари ҳам тарихдан маълум.

Аммо таъкидлаш лозимки, 1917 йил октябрь тўнтаришидан кейин руслаштириш сиёсатига жиддий киришилди. 1918 йилда Туркистон ўлкасининг Асосий Қонуни қабул қилиниб, унда туркий (ўзбек) ва рус тиллари давлат тили деб эълон этилди. Туркистон ўлкасининг ўша даврдаги миллий таркиби қандай эди? Ўша вақтлардаги аҳоли рўйхатига кўра ўзбеклар-37, қирғизлар-35, тожиклар-17, руслар-7 фоизни ташкил этарди. Асосий Қонунда ўзбек тили билан бирга қирғиз ёки тожик тилига эмас, балки ўлкадаги нуфуснинг энг оз миқдорини ташкил қилган русларнинг тилига давлат мақоми берилганлиги ҳайратли эмасми?! Ҳокимият ва давлат идораларидаги маъмурларнинг аксарияти руслар бўлганлиги учун давлат тили, табиийки, фақат биргина рус тилининг ўзи бўлиб қолди. Ўша давр архивларини ўрганган адабиётшунос Р. Қўчқоров ўзининг

"Жумҳуриятнинг тўсиқсиз йўли" номли мақоласида ("Ўзбекистон адабиёт ва санъати" газетаси, 1989 йил 6 октябрь) шундай фактни келтиради: ўша вақтда бўлиб ўтган бир съездда Сирдарё вилояти Тошкент тумани депутатлари советининг вакили Муҳаммадюсуф Алиев мана бундай аламли гапларни айтган: "...гарчи икки тил давлат тили деб эълон қилинган бўлса-да, уларнинг бири ҳокимлик қилиб, иккинчиси эса эътиборсиз ётибди. VI съездда мен Марказий Ижроия Комитетига сайланган эдим. Шу съездда мусулмон тили (ўзбек тили) давлат тили деб эълон этилганди. Мана, кўп маротаба бу минбарга кўтарилишга ва ҳар сафар шу ердан туриб Туркистоннинг тўрт томонидан оқиб келаётган фарёдлар ҳақида жар солишга тўғри келган. Бироқ, минг афсуски, менинг оташин чақириқларим ва ўтли илтижоларимни ўртоқлар эшитмади. Улар эшитишни хоҳламаганлари учун эмас, балки тилимни билмаганликлари учун шундай бўлди..."

ДАСТЛАБКИ ПАЙТЛАРДА бу каби норозиликларнинг кучайиб бориши оқибатида Марказий ҳокимият бир қадар ён беришга мажбур бўлди. Коммунистик партиянинг 1921 йилдаги X ва 1923 йилдаги XII съездлари миллий совет жумҳуриятлари тилларини шу жумҳуриятларнинг давлат тили деб эълон қилди, большевиклар шу тариқа гўёки "совет миллий мустақиллиги"га ташқи шакл бердилар. Гўёки В. И. Лениннинг ғоят усталик ва айёрлик билан айтган мана бу гапларига амал қилгандай бўлдилар: "Биз, албатта, Россиянинг ҳар бир яшовчиси буюк ўрис тилини ўрганиш имконига эга бўлиши тарафдоримиз. Фақат бир нарсани — мажбурлашни хоҳламаймиз. Биз жаннатга калтак билан уриб киргизишни истамаймиз" (В. И. Ленин. О национальном и национально-колониальном вопросе. Москва, 1956, 147-бет). Шу тариқа миллий жумҳуриятлар тилларига бир қадар эркинлик берилгандай бўлди. Бунинг мисоли сифатида Ўзбекистон Жумҳурияти Инқилобий Комитетининг 1924 йил 31 декабрида қабул қилинган 48-рақамли қарорини кўрсатиш мумкин. Шубҳасиз, бу жуда муҳим ва зарур қарор эди. Бу қарорнинг номи: "Ишларни ўзбек тилида юргизиш ҳам Ўзбекистон Жумҳуриятининг инқилобий комитети ҳузурида марказий ерлаштириш ҳайъатлари тузилиш(и) тўғрисида". Қарорда ҳукумат, кооператив, хўжалик идоралари ва бошқа ташкилот, корхоналарда бутун жумҳурият доирасида барча ёзув ишларини фақат ўзбек тилидагина юргизиш мажбурий эканлиги таъкидланган. Бу вазифани бажармоқ учун корхона, ташкилот ва муассасаларда "ишларни ўзбек тилида юргизиш бўлинмалари(ни) ташкил қилмоқ", йўриқномалар нашр этиш, "ерлик халқдан амалий ишчилар (иш юритиш бўйича) тайёрламоқ" ва бошқа ташкилий ишларни амалга ошириш лозимлиги мазкур қарорда махсус кўрсатиб ўтилган. Айни қарорни жорий қилиш бўйича, табиийки, муайян ишлар қилина бошланган, хусусан, зудлик билан махсус иш қоғозлари намунали тайёрланган.

Лекин орадан 5-6 йил ўтмасдан бу қарор бекор қилинади. Сталин 30-йилларнинг бошидаёқ мазкур икки съезд (X ва XII)ни тарихдан изсиз ўчириб ташлади, бу билан миллий жумҳуриятлардаги миллий тилларнинг шу жумҳуриятларнинг давлат тили эканлиги ҳақидаги қоида ҳам барҳам топди. 1936 йилги Сталин Конституцияси бўйича фақат гуржилар, арманлар ва озарбайжонларгагина ўз Конституцияларида она тилларини давлат тили деб ёзишга изн берилди. Энди Лениннинг бу борадаги асл мақсади очиқ баён қилинган "Бир давлатнинг ичида турли миллатлар бўлиши зарарлидир, биз марксчилар, уларни яқинлаштириб, қўшиб юборишга интиламиз" (кўрсатилган китоб, 113-бет) қабилидаги гапларга бевосита амал қилина бошланади. Ана шу тариқа умумий тили рус тили бўлган "совет халқи" шакллантирилди. Таниқли советшунос олим Абдураҳмон Авторхонов "Кремль салтанати" номли китобида шундай ёзади: "Москов миллатни киришни унинг тилидан бошларди". Чунки тилда халқнинг руҳи акс этади, тил тирик ва соғлом экан, унинг эгаси бўлган халқ ҳам тирик ва соғлом бўлади. Соғлом халқ ўзлигини теран англайди, ўзлигини англаган халқ эса ҳеч қачон бошқа халққа тобе бўлмайди. совет империяси ана шундан қўрқарди, шунинг учун ҳам у миллий тиллар, шу жумладан, ўзбек тили ривожи учун йўл бермади.

ЎЗБЕКИСТОНДА совет даврида рус тилини ўрганиш, тарғиб қилиш ва ривожлантириш билан боғлиқ кўплаб расмий ҳукумат қарорлари қабул қилинган, бир қанча тадбирлар ўтказилган. Аммо ўзбек тилини ривожлантиришга қаратилган расмий қарорни топиш қийин. У даврда ўзбек тилининг расмий доираларда қўлланилиши чегараланган, мавқеи расмий йўқ даражада эди. Маъмурий идораларга кадрларни танлашда ҳам ходимнинг рус тилини билиш даражаси асосий ўлчов бўлган.

**(Давоми келгуси сонда).**

*Янгича анъаналар*

### ТЎЙЛАР... ТАШКИЛОТ ҲИСОБИДАН

Қумқўрғонда иқтисодий соҳадаги ислоҳотларни амалга оширишда жон куйдираётган кишилар ҳақида гап кетганда дастлаб тажрибали, ғайратли раҳбар Зумрад Ҳайитованинг номини тилга олишади.

Нима учун? Чунки, бу тиниб-тинчимас аёл шу йилнинг ўзидаёқ бир неча ташаббус кўтариб чиқди. Турмуш ўртоғи Хуррам Қобилов билан биргаликда Орнали қишлоғидан ер ўзлаштириб, ғалла, полиз экди. Бир неча цехлар ташкил этди.

— Зумрад Ҳайитова Ўзбекистон Президентининг "Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялашни кучайтиришга оид тадбирлар тўғрисида"ги фармонига дарҳол амалий иш билан жавоб берди,— деди туман ҳокимининг биринчи муовини Нормўмин Чориев.— У раҳбарлик қилаётган Қумқўрғон ҳиссадорлик жамияти ҳомийлигида яқинда бир нечта ёшларнинг никоҳ кечалари. болаларнинг суннат тўйлари бўлиб ўтди. "Янги ер" ҳиссадорлик жамияти раиси Ёқуб Темиров ҳам ана шундай ташаббускорлардан. Унинг ғайрати ва ташкилотчилиги туфайли бир нечта цех қурилиши бошлаб юборилди, ёшлар учун янги иш ўринлари ташкил этилди. ҳиссадорлик жамиятида хизмат маданияти яхшиланиб боряпти.

Қумқўрғонда сахий ва ташаббускор одамлар кўпайиб қолганлиги туфайли ҳам юртбошимизнинг юқоридаги фармонига амалий иш билан жавоб берилаётганлиги мақтовга моликдир.

**Жовли ХУШБОҚОВ,**
**"Туркистон" мухбири.**

# ОНАЛАР КЕНГАШМОҚДА

1994 йилнинг "Оила йили" деб эълон қилиниши республикамизда бу борадаги ишларга кенг йўл очиб берди. Барча вилоятларда оилани мустаҳкамлаш, замонамизга муносиб соғлом авлодни тарбиялаб вояга етказиш, оналик ва болаликни муҳофаза этиш, намунали оилалар тажрибаларини оммалаштириш каби йўналишлар бўйича қатор ибратли ишлар олиб борилмоқда. Бунда эса асосий вазифа хотин-қизлар қўмиталари зиммасига юкланмоқда.

Тошкент вилояти хотин-қизлар қўмитаси ажойиб ташаббус билан чиқди. Бунга кўра вилоятнинг барча туманларида "Аёл. Оила. Жамият" эстафетаси ўтказилди. Туман хотин-қизлар қўмиталари ўзларида олиб борилаётган ишлар бўйича ҳисобот бердилар. Шундай тадбирлардан бири яқинда Қибрай туманида бўлиб ўтди. Бу тадбирга Тошкент ҳамда Бўстонлик туманларидан вакиллар ташриф буюришди. Бир пиёла чой устида бўлиб ўтган мулоқотда туман хотин-қизлар қўмиталари вакиллари ўз ишлари, ютуқ ва қувончлари ҳақида гапирдилар. Ҳамда ўзларини қийнаётган муаммолар ва уларнинг ечимлари хусусида ҳам фикрлашиб олдилар.

СУРАТДА: ушбу тадбир қатнашчиларидан бир гуруҳи.

**Суратчи Муҳаммад АМИН.**



# МАЪНАВИЙ БИРЛИК КАФОЛАТИ



**(Давоми. Боши 1-бетда).**

Мустақил давлат келажаги, жамиятдаги маънавий тараққиёт биринчи галда ёшлар билан боғлиқ. Уларнинг фидойилиги, ташаббускорлиги, қатъияти, ҳалоллиги, Ватанга ва эл-улусга садоқати нечоғли юксак экан, давлатнинг истиқболи ҳам шу қадар баланд бўлади. Бугунги ёш насллар эртанги куннинг, эртанги маънавиятнинг асоси ва куч-қудратидир. Донишмандларнинг нақл этишларича, ёшлик ўзининг олижаноб ташаббускорлиги, софдиллиги, адолатга, башарий ҳақиқатга интилиши билан тараққиётнинг ва маънавиятнинг буюк кучларидан бирини ташкил қилади.

Истиқлол ҳам ёшликдир, истиқлол — давлатнинг ёшлигидир. Ёшлик инсон ҳаётининг келгуси йиллар учун уруғ қадаладиган баҳор мавсумига ўхшаганидек, истиқлол ҳам шундай бунёдкорликка чоғланиш палласики, унинг куч-қудрати туфайли Ватан ва миллат юксалади, равнақ топади.

Мозийдан қолган бир ривоят бор. Бир жаҳонгашта сайёҳ бир шаҳардан ўтаётиб, қурилиш бўлаётган жойга чиқиб қолибди. У шу ерда ишлаётганларнинг биридан: "Нима қиляпсан?" деб сўраганида, елкасида ғишт кўтариб бораётган киши: "Кўрмаяпсанми, ғишт ташияпман!" деб минғирлаган экан. Сайёҳ ўша саволни иккинчи бир кишига берганида, у: "Мен улуғ иш қилаяпман, буюк бир иморат тиклаяпман!" — деб фахрланган экан.

Аслида бу кўҳна ривоятни эслашимга жоҳил ва фозилнинг фарқини кўрсатишмас, балки узоқ йиллик исти дод сиқуви туфайли жаҳолат ва бефарқлик ботқоғига ботган одамларнинг янги жамият пойдеворини тиклаш учун қилаётган машаққатли ва улуғвор саъй-ҳаракатлар билан боғлиқ.

Бугун ҳар бир йигит-қиз янги жамият қуришда фаол иштирок этмоғи лозим. Улар фақат истиқлол палласига хос кўтаринки руҳ тўла ҳаётнигина эмас, балки бу даврга хос машаққатларни ҳам енгишга тайёр бўлишларини, бунинг учун зарур ирода ва фидойиликка ҳам эга бўлишларини англасинлар. Улар унутмасликлари кераккки, бу куч-ғайрат ва иродани, бу фидойилик ва ҳалолликни халқимизнинг асрлар давомида вужудга келган кўҳна қадриятлари, минг йиллик маънавий хазинаси заминида тарбиялаш мумкин. Биргина Амир Темур бобомизнинг "Ишбилармон, тадбиркор, ҳушёр, азми қатъий, мардлик ва шижоат соҳиби бўлган бир одам минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан афзал" деб айтганини эсланг. Ушбу доно ҳикмат ҳар биримизга ибрат бўлиши лозим.

Бугун барчамиз, ким бўлишимиз ва ёшимиздан қатъи назар энг аввал ватанпарвар бўлишимиз лозим. Аммо ватанпарварлик ёлғиз она юртга мадҳ битиш ёки унга муҳаббат туйишгина эмас. Ватанпарварлик энг аввало фаолиятдир. Инсоннинг ўз миллатига, ўз Ватани тақдирига масъуллик ҳисси билан йўғрилган амалий ишдир. Ватанпарварлик инсондан маърифий салоҳиятни талаб этади. Маърифий салоҳиятли фаолият — бу Ватан учун ширин жонни ҳам фидо этиш, оғир синовларга дош бериш ҳамда миллат ва мамлакатнинг камолатига, тараққиёти га тўсиқларни енгишга қодир куч топиш, шу билан бирга Ватан равнақига ғов бўлган ҳар қандай иллатга муросасиз бўлиш демакдир. Ватанпарварлик бутун халқ фаровонлигини ва бахтини кўзлашдир.

